# **“Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация” электрон хизматидан фойдаланиш юзасидан**
# **Қ Ў Л Л А Н М А**

**1.** ***“Электрон солиқ хизматлари”*** *(my3.soliq.uz)* порталида бош саҳифанинг ***“Жисмоний шахслар”*** бўлими орқали ***“Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация”*** электрон давлат хизмати танланади *(1-расм)*.



@soliqnews

*(1-расм)*

***“Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация”*** электрон давлат хизматига ЭРИ орқали кирилганда, ***“Жисмоний***

***шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация”*** ойнаси шаклланади *(2-расм)*.




*(2-расм)*

@soliqnews

**2. *“Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация”*** ойнаси **4 та менюдан** иборат бўлади:

- декларацияни тўлдириш;
- тақдим этилган декларация;
- даромад манбалари;
- ёрдам.

2.1. **Декларацияни тўлдириш** менюси орқали солиқ тўловчи тўғрисида маълумотлар, декларация тури, даромад манбалари ва солиқ тўлашдан озод этилган даромадлар бўйича маълумотлар тўлдирилади.

2.2. **Тақдим этилган декларация** менюси орқали юборилган ***“Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация”*** тўғрисидаги маълумотлар шаклланади.

2.3. **Даромад манбалари** менюси орқали “Ташқи манба” маълумотлари асосида солиқ тўловчининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар шаклланади.

2.4. **Ёрдам** менюси орқали “Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация” электрон хизматидан фойдаланиш юзасидан **Қўлланма**ни шакллантириб олиш мумкин.

**3. *“Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация”*ни** юбориш хизмати орқали **3 турдаги солиқ декларация** турларидан бири танланади.

- **Жами йиллик декларация** *(танлаш усули билан ихтиёрий)*.
- **Дастлабки тарздаги декларация** *(ижара бўйича)*.
- **Чет эл жисмоний шахсининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича декларация.**

## I. “Жами йиллик декларация”ни юбориш

**“Жами йиллик декларация”ни** юборишда қуйидаги амаллар бажарилади.

**- I-босқичда:** *(I.I-расм)* Шаклланган ***“Умумий маълумотлар”*** ойнасида солиқ тўловчининг қуйидаги маълумотлари:



I.I-расм

- ЖШШИР *(жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами)*;
- ФИО;
- Туғилган санаси ва фуқаролиги;
- Паспорт серияси ва рақами, ким томонидан берилганлиги;
- Доимий яшаш манзили ва солиқ органи тўғрисидаги маълумотлар автоматик шаклланади.

Телефон рақами бўлимида шахсий телефон рақамингиз;

*Агар солиқ тўловчи чет эл фуқароси бўлса, “Чет эллик жисмоний шахс” ва “Ўзбекистон Республикасига келган санаси” бўлимлари тўлдирилади.

Шунингдек, солиқ тўловчи “Декларация тури”, “Ҳисобот тури”, “Йил” *(декларация тақдим этилаётган даромад олинган йил)* ва “Давр” бўлимлари тўлдирилади (3-расм).



*(3-расм)*

Юқоридаги маълумотлар тўлдириб бўлингандан сўнг **“Сақлаш”** тугмаси босилади.

**- II-босқичда: “Ҳисобот шакллари”** ойнасида Солиқ кодексининг 393-моддасида **кўрсатилган декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар** ва 378-380-моддаларида белгиланган **солиқ имтиёзлари** бўйича ҳисобот шаклларини танлаш имконияти пайдо бўлади (4-расм).

@soliqnews




@soliqnews

*(4-расм)*

Декларация шакллари тўлдирилгандан сўнг, ушбу шаклларнинг қуйи қисмидаги **“Сақлаш”** ва **“Кейинги”** шаклларга ўтиш тугмалари орқали жараён давом эттирилади ёки **“Аввалги”** тугмаси орқали олдинги декларация шаклига ўтиш мумкин (5-расм).




*(5-расм)*

**- III-босқичда: “Даромад солиғи ҳисоб-китоби” ойнасида “Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси ҳисоб-китоби”** маълумотлари тўғрилигига ишонч хосил қилинади ва **“Жўнатиш”** тугмаси орқали **“Жами йиллик декларация”** доимий яшаш жойидаги солиқ органига электрон шаклда юборилади (6-расм).



Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация

Асосий - Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларация

Декларацияни тўлдириш | Тақдим этилган декларация | Даромад манбалари | Ёрдам

Умумий маълумотлар — Ҳисобот шакллари — 3 Даромад солиғи ҳисоб-китоби

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси
ҲИСОБ-КИТОБИ

| № | Кўрсаткичлар | Солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади (сўмда) | Солиқ органи томонидан тўлдирилади (сўмда) |
|---|---|---|---|
| 1 | Жами даромаднинг умумий суммаси | 0,0 | 0 |
| 2 | Жами даромаддан чегирмаларнинг умумий суммаси | 0,0 | 0 |
| 3 | Солиқ солинадиган база | 0,0 | 0 |
| 4 | Ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи умумий суммаси - жами, шу жумладан | 0,0 | 0 |
| | Бюджетга | 0,0 | 0 |
| | ШЖБПҲга | 0,0 | 0 |
| 5 | Йил давомида тўланган (ушланган) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг умумий суммаси - жами, шу жумладан | 0,0 | 0 |
| | Бюджетга | 0,0 | 0 |
| | ШЖБПҲга | 0,0 | 0 |
| 6 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси: | 0,0 | 0 |
| | Бюджетга қўшимча тўланадиган | 0,0 | 0 |
| | Бюджетдан қайтариладиган | 0,0 | 0 |

‹ Аввалги | Жўнатиш

*(6-расм)*

*Мисол учун:* Агар сиз Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўловларни мустақил равишда амалга ошириб, имтиёз олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги **“Жами йиллик декларация”** шаклларини тўлдиришингиз лозим бўлади:

**1-босқич:** **“Умумий маълумотлар”** бўлимида солиқ тўловчи ўзига тегишли маълумотларни киритиб, шунингдек, “Декларация тури”, “Ҳисобот

тури”, “Йил” *(декларация тақдим этилаётган даромад олинган йил)* ва “Давр” бўлимларини тўлдирилиб, **“Сақлаш”** тугмаси босилади (1-расм).



@soliqnews

*(1-расм)*

**2-босқич:** **“Ҳисобот шакллари”** бўлимидан **“Асосий ва асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар”** шакли танланади (2-расм).




*(2-расм)*

Танланган шаклда солиқ тўловчининг асосий ва асосий бўлмаган иш жойидан олган даромад суммалари автоматик равишда шаклланади.

Бу ерда солиқ тўловчи иш жойи устунидаги **“Асосий иш жойи”** ёки **“Асосий бўлмаган иш жойи”** пунктларидан бирини танлаб, **“Сақлаш”** ва **“Кейинги”** тугмасини босиш орқали бошқа турдаги декларация шаклига ўтилади (3-расм).

@soliqnews




*(3-расм)*

Ундан сўнг **“Декларация шакли”** бўлимидан **“Имтиёзлар”** шакли танланади.

**“Солиқ имтиёзлари”** ойнасида имтиёз тури ва имтиёз тоифалари танланади.

Талаба ЖШШИР рақами киритилганда, ушбу қисмдаги маълумотлар автоматик шаклланади.

Таълим ташкилоти СТИРи, номи, шартнома рақами ва санаси, тўлов контракти бўйича йўналтирилган ва фойдаланган сумма каторлари тўлдирилади.

Шундан сўнг, имтиёзларни қўллаш учун асослантирувчи хужжатлари бириктирилиб, **“Декларацияни сақлаш”** тугмаси орқали кейинги босқичга ўтилади (4-расм).



@soliqnews

*(4-расм)*

**3-босқич: “Даромад солиғи ҳисоб-китоби”** бу босқичда **“Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси ҳисоб-китоби”** шаклида тўлдирилган декларация маълумотлари тўғрилигига ишонч хосил қилинади ва **“Жўнатиш”** тугмаси орқали **“Жами йиллик декларация”** доимий яшаш жойидаги солиқ органига юборилади (5-расм).

Умумий маълумотлар — Ҳисобот шакллари — 3 Даромад солиғи ҳисоб-китоби

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси
ҲИСОБ-КИТОБИ**

| № | Кўрсаткичлар | Солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади (сўмда) | Солиқ органи томонидан тўлдирилади (сўмда) |
|---|---|---|---|
| 1 | Жами даромаднинг умумий суммаси | 141 986 918,0 | 0 |
| 2 | Жами даромаддан чегирмаларнинг умумий суммаси | 10 000 000,0 | 0 |
| 3 | Солиқ солинадиган база | 131 986 918,0 | 0 |
| 4 | Ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи умумий суммаси - жами, шу жумладан | 15 838 430,0 | 0 |
| 5 | бюджетга | 15 706 443,1 | 0 |
| 6 | ШЖБПҲга | 131 986,9 | 0 |
| 7 | Йил давомида тўланган (ушланган) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг умумий суммаси - жами, шу жумладан | 15 838 430,0 | 0 |
| 8 | бюджетга | 15 706 443,1 | 0 |
| 9 | ШЖБПҲга | 131 986,9 | 0 |
| 10 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси: | -1 190 000,0 | 0 |
| 11 | бюджетга қўшимча тўланадиган | 0,0 | 0 |
| 12 | бюджетдан қайтариладиган | -1 190 000,0 | 0 |

< Аввалги   Жўнатиш

*(5-расм)*

@soliqnews